



Инд220100 Хоразм вилояти. Урганч шаҳри Ҳонка кӯчаси 19- уй тел: 03622271223 факс 03622271223 xorazmfk2@mail.ru

2015 йил **“05”** декабр

№ 293 - сонли

Урганч шаҳри

**Хоразм Агро маслаҳат
маркази (КРАСС)
директорига**

Мамлакатимиз ижтимоий-иктисодий салоҳиятида аграр соҳанинг тутган ўрни жуда катта. Бу борада, қишлоқ хўжалиги самарадорлигини оширишда чуқур ислоҳотлар амалга оширилиши билан бир қаторда, янги техника, агротехнологиялар ва агросаноат комплекслари ҳам ишлаб чиқаришга тадбик қилинмоқда. Қишлоқ хўжалигидаги асосий фаолият юритувчи фермер хўжаликлари базаси ҳам кўп тармоқли хўжалик фаолиятига айлантирилиб турли хил ишлаб чиқариш инфратузилмалари ташкил қилинмоқда.

Шуни айтиш жоизки, мамлакатимизда етиширилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 90 фоизи асосан сугориладиган майдонларга тўғри келади. Яъни, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ишлаб чиқарилиши бевосита сугориш суви мавжудлиги билан боғлиқ. Афсуски, қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ ҳалқаро ташкилотлар ҳисоб-китобларининг таъкидлашича, келгуси 10-15 йиллик башоратларига кўра, Ўрта Осиёда сугориш суви танқислиги кузатилиши мумкин.

Албатта, ушбу масала Ўзбекистон фермерлар кенгаши Хоразм вилояти ҳудудий бўлимининг дастурий режаларидан ҳам ўрин олган, десак муболага бўлмайди. Бу борада бевосита Хоразм вилояти хокимлиги, вилоят қишлоқ ва сув хўжалик бошқармаси, сув истеъмолчилари уюшмаси, фермер хўжаликлари ва бошқа бир қанча маҳаллий давлат ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда Ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш борасида турли тадбирлар олиб борилмокда.

Хусусан, жорий йилнинг феврал ва сентябрь ойида ўтказилган Ҳалқаро ИКАРДА ташкилоти томонида ташкиллаштирилган ва Хоразм Агромаслаҳат Макрази томонидан олиб борилган “*Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариши тизимини интеграллаштириши*” мавзусига бағишлиланган ўқув семинар ҳам шулар жумласидандир.

Мана бир неча йилдирки Хоразм вилояти фермерлар кенгаши қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида Урганч давлат Университети, Хоразм Агромаслаҳат маркази билан ҳамкорликда бир неча тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

Ўйлаймизки, “*Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариши тизимини интеграллаштириши*” мавзусига бағишлиланган ўқув семинар натижалари ҳам Ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш борасида вилоятимизнинг чекка ҳудудларда жойлашган 30-35 нафар фермер хўжалик дала майдонларида бевосита амалиётга тадбик қилинади. Бу борада фермер хўжаликлари сиз томондан ишлаб чиқилган ўқув амалий қўлланма билан таъминланади.

**Хоразм вилояти фермерлар
кенгаши раиси:**

Қ.Сапаев